

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Таъминотчи корхона бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Таъминотчи корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган кунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиринилар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун.

Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган ҳолларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра иқтисодий судларда ёки “ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ” жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо ҳакамлик судида ҳал қилинганда суднинг регламенти ва Низомига кўра ҳал қилинади. Ҳакамлик муҳокамасининг жойи: ҳакамлик суди томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси I нафар ҳакамлик судьяси томонидан ҳал этилади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни ва илоовасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

5.5 Тарафлар ўртасида ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманинг 5.4-бандида кўрсатилган тартибда “ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ” жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади.

VI. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш шартлари

6.1. Қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмолчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

6.2. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчининг технологик ва авария бронини аниқлаш далолатномасига асосан, жорий йилнинг I октябридан кейинги йилнинг I октябригача бўлган давр учун тузилади ҳамда жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун уларни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Жадвалларнинг қуйидаги турлари тузилади:

ягона электр энергетика тизимида ёқилғи ёки гидроресурслар етишмаганда электр энергиясини (кВт соатда) чеклаш жадвали. Жадвалда электр энергия истеъмолчини истеъмолчиларнинг технологик бронигача, кейинчалик эса авария бронигача (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари) ва бунда истеъмолни 5 та навбатга бўлган ҳолда қисқартириш назарда тутилиши лозим;

ягона электр энергетика тизимида қувват етишмаганда қувватни (кВтда) чеклаш жадвали. Жадвалда ягона электр энергетика тизимининг эргалабки ва кечки энг катта юкламалари юзага келадиган соатларда истеъмол қилинадиган қувватни истеъмолчиларнинг авария бронигача қамайтириш ва бунда истеъмол қилинадиган қувватни 5 та навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим;

қувват такчилиги юзага келиши натижасида авария хавфи пайдо бўлганда ва чеклаш жадвалларини жорий қилиш имконияти бўлмаганда, қувватни чеклаш жадвали. Жадвалда узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари, ягона электр энергетика тизими истеъмолчиларини тўлиқ узиб қўйиш ва узиб қўйиладиган қувватни 5 навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим.

6.3. Чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини амалга киритиш тартиби қуйидагилар:

электр энергияси ва қувватни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ раҳбари фармойиши билан амалга киритилади. Диспетчерлик бошқарувининг барча даражаларида электр энергиясини чеклашни жорий этиш фармойиши оператив журналда чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақт қайд этилган ҳолда берилади;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчиларга кейинги суткаларда электр энергиясини чеклаш жадвалларининг амалга киритилиши тўғрисида жорий сутканинг соат 14⁰⁰ дан кечиктирмай, чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақтини кўрсатган ҳолда маълум қилади.

Электр энергиясини чеклаш жадвалларини зудлик билан жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақидаги билдиришнома сутканинг вақтидан қатъи назар, чеклашнинг амал қилиши бошланишидан 1 соат олдин истеъмолчиларга етказилади.

Узиб қўйиш жадваллари истеъмолчилар томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол жорий этилади.

Истеъмолчилар – чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига киритилган, шу жумладан узлуксиз ишлаб чиқариш технологик жараёнига эга корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (чеклаш ва узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари) чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларининг ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан кўрсатилган муддатда сўзсиз бажарилишини ташкил этиши шарт. Акс ҳолда, улар узиб қўйиш ва чеклаш жадваллари бажарилмаганлиги туфайли ягона электр энергетика тизими марказларидан мажбурий узиб қўйиш натижасида юзага келадиган оқибатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси ва қувватини чеклаш жадвалларини амалга киритиш тўғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажарилмаганда, уларни огоҳлантиргандан сўнг электр энергияси ва қувват истеъмолининг белгиланган даражада қамайишини таъминловчи миқдорда электр энергияси етказиб берилишини мажбурий равишда чеклайди.

Бу борадаги технологик жараёнлар бузилишининг оқибатлари учун жавобгарлик Истеъмолчи корхона раҳбарлари зиммасига юкланади.

6.4. Қоидаларда назарда тутилмаган сабабларга кўра Истеъмолчиларни электр энергиясидан ўчирганлик учун ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий чоралар қўлланилади.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корxonанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корxonанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

VIII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

8.1. Шартнома 20 ____ йил _____ гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг нусхалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

8.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.5. Ушбу Шартнома талабларида назарда тутилган ва тутилмаган ҳолатлар бўйича низолар келиб чиққан тақдирда қонунчилик ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

Истеъмолчиларга огоҳлантириш !

Умумий фойдаланишдаги электртармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қондаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан араланиш, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101 ҳамда Жиноят кодексининг 185² -моддаларига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.